Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1925 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 68 (8558). ● 5 апрель, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

20 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

## МЕҲНАТ БАЙРАМИ

«ЎРТОҚ» кондитер фабрикаси ишчи-хизматчилари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида фаол қатнашишга аҳд қилдилар. Ҳозир корхона цехларида шанбаликнинг ҳар томонлама юқори савияда, бутун коллективнинг иштирокида уюшқоқлик билан ўтиши учун қизғин тайёргарлик олиб бориляпти. Ҳамма ишларга маъмурият, жамоатчи ташкилотлар вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан тузилган штаб раҳбарлик қилмоқда.

Дастлабки ҳисобларга қараганда меҳнат байрамида салкам 800 нафар қандолатчи иштирок этади. Шундан 607 киши бевосита меҳнат постларида бўлишади. Улар турли-туман ширинликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Жами 180 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Бу оддий кунлардагига нисбатан бирмунча кўпдир.

Қолган ишчи-хизматчилар корхона территориясини ободонлаштириш, ирригация шахобчаларини тозалаш билан банд бўладилар, дарахт ва гул кўчатлари ўтказадилар. Коллективнинг қарорига мувофиқ ишлаб топилган барча иш ҳақи ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ЧОРВАЧИЛИК— ЗАРБДОР ФРОНТ

### ХИЗМАТГА ЯРАША ҲУРМАТ

Машинада сут соғиш оператори Латифа Эргашеванинг сменаси қутловлар билан бошланди: у Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базасида ишлаётганлигига 25 йил тўлди. Л. Эргашева бундан чорак аср аввал донгдор сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ивановна Чуднаяга ёрдамчи бўлиб иш бошлаганди. У А. Чуднаянинг тажрибасини ўрганиб, меҳнатда катта муваффақиятларга эришди. Ҳозир у иккинчи квартал ҳисобидан сут соғиб олаётганлиги бунга мисол бўлиши мумкин.

Латифа боқимида 170 сигир бор. Уларнинг ҳар бири бир кунда 13 килограммдан сут бермоқда. Қаҳратон қиш ҳам орқада қолди. Сут соғувчи қишловдан сигирларини омон-эсон олиб чиқди. Бу йил у ҳар бош сигирдан 4120 килограмм — пландагидан 120 килограмм кўп сут соғиб олиш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ мухбири).

### МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозида сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Бўрдоқилар жадал семираяпти.

Яқинда бу хўжаликдан хушхабар келди. Совхоз бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига пландаги 15 тонна ўрнига 17 тонна гўшт топширилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 403 килограммдан тош босди.

Қорамолларнинг юқори семизликда гўштга топширилишида бўрдоқибоқарлар Рисқали Абдуллаев, Ширбой Турғунбоевларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ш. ТАЛАЕВ.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



БАРДОШЛИ, иродали, келажакни кўзлаб иш тутадиган одамлар бирон эзгу мақсадни мўлжал қилиб олдиларми, албатта, уни амалга ошириш учун чидам ва сабот билан киришмасдан қўймайдилар. Инобат Ҳожибекова ана шундайлардан эди. У ўн олти йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Ўз бахтини даладан, меҳнатдан топди. Бири-биридан одобли беш фарзанднинг меҳрибон онаси, уста пахтакор, жонкуяр ташкилотчи Инобат опанинг меҳнати юксак қадрланди. У Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь Революцияси орденлари нишондори, қишлоқ Советининг депутати.

Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг И. Ҳожибекова бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Далалар, техника ва бошқа воситалар экишга шай. Айни кунларда ҳамманинг фикри-зикри чигитни ўз вақтида экиб, ернинг табиий намига бир текис ундириб олишга қаратилган. Бу ишларга тажрибали деҳқон, коммунист Инобат Ҳожибекова моҳирона бошчилик қилмоқда. Суратда: И. Ҳожибекова.

Ҳ. Аввалов фотоси.

## ҲАММА ИШНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

> Марказий Қомитет барча кадрларимизнинг ленинча иш усулини ўрганиб олишларига жуда катта аҳамият бермоқда. Сиёсий ёндашувга риоя қилинган тақдирдагина, сарфланаётган куч-ғайратларни амалий натижалар билан танқидий таққослаган, доимо ижодий изланган тақдирдагина масалаларни, Ленин айтганидек, «чиновникларча» эмас, балки давлат нуқтаи назаридан ҳал этиш мумкин бўлади.
>
> М. С. ГОРБАЧЕВ.

ЖАМИЯТИМИЗ тараққиётининг барча тарихий босқичларида кадрлар масаласи ҳамиша энг ўткир, энг муҳим ва энг актуал масалалардан бири бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойинга қўйишнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинди, бу соҳада қўлга киритилган айрим ютуқлар умумлаштирилган ҳолда асосий эътибор бу соҳадаги мавжуд камчилик — нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларига қаратилди, ишда ленинча услубни қарор топтиришнинг бундан кейинги программаси белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми қарорлари ва кўрсатмаларини дастуриламал деб билган областимиздаги барча партия ташкилотлари бугунги кунда кадрлар билан ишлашга ғоят масъулият билан ёндашмоқдалар. Сўнгги пайтларда бу тадбирга планли тус берилиб, партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклаш, одамлар билан ишлашда лозим даражадаги талабчанлик кучайтирилди. Ҳамма раҳбар ва мутахассис кадрлар аниқ мақсад йўлида, истиқболни кўзлаб ўстирилмоқда.

Қатъий талабчанлик қилинганлиги оқибатида қатор шаҳар ва район партия комитетлари жойлардаги ишларнинг аҳволи учун жон куйдирадиган бўлиб қолдилар, зарур пировард натижаларга эришиш учун кадрларнинг масъулиятини тобора оширишга киришдилар, улар билан мулоқотда бўлишнинг диалектик методларини ишга сола бошладилар. Жумладан, Ангрен, Олмалиқ шаҳар, Ғалаба, Оржоникидзе, Тошкент район партия комитетлари, қатор корхоналар ва хўжаликлар фаолиятлари бунга мисол бўла олади. Бу ерларда КПСС Устави талабларидан четга чиқишларга принципиал баҳо берилди. Нопок йўлдан борган ходимлар, ўғирлик, камомат ва лавозимини суиистеъмол қилган шахслар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Тошкент экскаватор заводида нохуш воқеа содир бўлди. Корхона ўтган йили планни бажармади. Цехларда эгриқўл кишилар пайдо бўлганлиги, муҳим участкаларга нўноқ кишилар қўйилганлиги сабабли қўшиб ёзиш каби ярамас практика авж олди, маълумот ҳамда кўрсаткичлар бузиб кўрсатилди. Коллективда соф муҳит яратиш вазифасини эплай олмаган, ўз фаолиятида қўпол хатоларга йўл қўйган завод директори А. Маҳмудов партия сафидан ўчирилди ва вазифасидан олиб ташланди. Шунингдек, собиқ бош инженер А. Пирогов ҳам партия сафидан ўчирилди.

Олмалиқдаги «Стройтермоизоляция» бошқармасида ҳам худди шундай ҳол рўй берди. Бошқарма бошлиғи В. И. Хариннинг фаолияти — раҳбарликдаги ножўя хатти-ҳаракатлари, манманлиги, қўполлиги, ишчилар дилига йўл топа олмаётганлиги шаҳар партия комитетида икки марта муҳокама этилди. Лекин танқиддан, дўстона айтилган гаплардан тегишли хулоса чиқариб олмаганлиги натижасида В. И. Харин партия сафидан чиқарилди ва вазифасидан четлаштирилди.

Раҳбарнинг барча масалаларда принципиал бўлиши, сўз билан иш бирлигини сўзсиз таъминлаши, ишда хўжасизлик, бош-бошдоқлик ҳолларига йўл қўймаслиги, мансабпарастлик, кибр-ҳавойилик каби салбий хислатлардан йироқ бўлиши ўта муҳимдир. Бироқ, Пискент районидаги Тельман номли колхоз раиси Т. Норматов, Ғалаба районидаги «Москва» колхозининг раиси И. Шубладзе, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг раиси Т. В. Эм, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз раиси О. Латиповлар худди шундай қилмадилар ва ўз фаолиятларида жиддий нуқсонларга йўл қўйдилар. Улар раҳбар бўлган хўжаликларнинг илгариги шуҳрати сўндириб қўйилди, барча экинлар ҳосилдорлиги камайиб кетди, моддий ва маънавий рағбатлантиришда адолат принциплари қўпол равишда бузилди. Натижада бу колхозлар чўкиб қолди, давлатга катта миқдорда зарар келтирилди. Район партия комитетлари бу раҳбарларнинг ишларидан ташкилий хулоса чиқариб, жуда тўғри иш қилдилар. Улар хизмат вазифаларидан олиб ташландилар.

Айрим хўжалик раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари партиянинг чорвачиликни интенсив ривожлантириш юзасидан берган кўрсатмаларини лозим тарзда, собитқадамлик билан амалга оширмадилар. Областимиздаги бир қанча хўжаликлар бу соҳада орқада қолаётганлигининг, у ерларда қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Натижада бу хўжаликларда ўрта бўғин раҳбар кадрлари қишлов даврида гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришни камайтириб юбордилар, фермалар ишини кўнгилдагидек ташкил этмадилар. Шунинг учун ҳам Ғалаба районидаги Энгельс номли, Димитров номли, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози матбуотда қаттиқ танқид қилиндилар. Юқоридаги район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг редакцияга йўллаган жавобларида аҳволни яхшилаш юзасидан кўрилган чоралар ва жавобгарларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақида хабар қилинди.

Жойларда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область партия комитетининг кейинги пленумлари қарорларини амалга ошириш борасидаги тадбирлар катта ишларнинг дебочаси, холос. Кадрлар сиёсатидаги камчиликларни тезда йўқотиш, бу масалада қатъий тартиб ўрнатиш, ходимларнинг топширилган ишга масъулиятини ошириш, коллективлардаги салбий ҳолатларни йўқотиш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш учун кураш, партия Уставини ва давлат қонунларини бузаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиш жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Ҳозирги кунда барча меҳнаткашларнинг фаолияти КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини тўла-тўкис амалга ошириш учун курашга қаратилган. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва социал тараққиётнинг ҳамма соҳаларида янги-янги вазифалар қўйилмоқда. Бу вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши асосан кадрларимизнинг ишчанлик даражасига, уларнинг ақл-заковатига, маҳорат ва тажрибасига боғлиқдир. Замон партия ташкилотларидан кадрлар билан ишлаш ишини яхшилаш учун зўр ғайрат билан зарур чоралар кўришни тақозо қилмоқда.

Ишни яхшилашга, кадрларни тарбиялашга таъсир ўтказишнинг барча воситалари билан бирга синалган танқид ва ўз-ўзини танқид методидан ҳам яхшироқ, аниқроқ, таъсирчанроқ фойдаланиш керак. Жойлардаги ишнинг ҳақиқий мазмунини батафсил билиш учун одамлар билан алоқаларни тобора кенгайтириш лозим. Одамлар билан жонли мулоқотда бўлиш камчиликларни тезроқ пайқаб олишга, тажрибани бир жойда жамлаб, оммалаштиришга ёрдам беради.

Меҳнаткашларнинг хат ва таклифлари раҳбар кадрларнинг омма билан жонли алоқасини кучайтиради. Жойлардан келаётган сигналларга, кишиларнинг илтимосларига ва мулоҳазаларига сезгирлик билан қулоқ солиш — ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир партия ходимининг вазифасидир. Шу жиҳатдан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПСнинг 1983 йилда қабул қилган «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳар биримиз учун амалий ҳаракат программаси бўлиши шарт.

Коммунистлар, барча кадрларимизнинг куч-ғайратини социал-иқтисодий ривожлантириш планларини сўзсиз адо этишга, ўтган йилда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга, 1985 йилни ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли туғаллашга сафарбар этиш жуда муҳимдир. Бу ишда раҳбар кадрларнинг асосий роль ўйнаши аниқ.

Кадрлар составини сифат жиҳатдан яхшилашда уларнинг сафларини илғор ишчилар, колхозчи деҳқонлар, ижодкор зиёлилар ҳисобига тўлдиришга алоҳида эътибор берайлик. Хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўпроқ кўтарайлик. Кадрларни таниш-билишлик, юртдошлик, қариндош-уруғчилик белгиларига қараб танлаш, ходимларни раҳбарлик лавозимларига шошма-шошарлик билан кўтариш фактларига мутлақо чек қўйилсин. Ҳар бир раҳбар кадр юқори органларнинггина эмас, шу билан бирга омманинг ҳам доимий назорати остида бўлсин.

Барча кадрларимизни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш — партия ташкилотларининг доимий диққат марказида турмоғи даркор. Уларнинг марксча-ленинча илмий дунёқарашини шакллантириш, душман идеологияси ва пропагандаси кирдикорларига қарши, шунингдек, эскилик сарқитларига, диний хурофотларга қарши курашда актив позицияда туришига эришайлик.

Областимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлар партиямизнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрар эканлар, ўз ишларининг ҳамма соҳаларини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми руҳида талабчанлик билан таҳлил этишлари керак. Кадрларга нисбатан масъулиятни ошириш, тартиб ва қонунчиликка қатъий риоя қилиш, меҳнат, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш биринчи галдаги социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга, беш йилликни муваффақиятли туғаллашга, 1985 йил учун белгиланган план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга кўмаклашмоғи лозим.

## ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ БОР ЕРДА— МУВАФФАҚИЯТ БЎЛАДИ

### КОЛЛЕКТИВ ОБРЎСИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-тикув-бичув цехининг касаба союз комитети Умида Ғуломованинг бригадасини ой якунларига кўра социалистик мусобақа ғолиблари сафидан чиқаришга қарор қилди. Бу ерда тикувчи-мотористлардан М. Жўрабекова, Д. Ҳабибуллаева, У. Юсупалиевалар бир кундан ишга келмадилар, Ш. Махаматова 30 минут ишга кечикиб келди. Интизомсиз ходимларнинг баъзилари қисман, баъзилари бутунлай ўн учинчи маошдан маҳрум қилинди.

Қаттиқ бўлса ҳам аммо адолатли жазо! Бироқ, бу ножўя қилиқлар муҳокама қилинган ишчилар йиғилиши интизом бузарларга тағин ҳам кучлироқ таъсир қилди. Дугоналарнинг юз-хотир қилмай тўғридан-тўғри айтган гаплари беғамларни қаттиқ қоралаш бўлиб янгради: ёш ишчилар ивирсиб юрган пайтда бошқалар бутун бригадани қолоқликдан чиқариш учун зўр ғайрат билан ишлашларига тўғри келди.

— Ишлаб чиқаришда бетартибликка йўл қўйиб бўлмайди, — деди меҳнат ветерани, Октябрь район Советининг депутати, тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи республика комитети президиумининг аъзоси Дина Остапчук. — Ишчилик виждонингиз қаерда қолди? Сизлар бутун коллективга доғ тушираяпсизлар, бригада бунга тоқат қила олмайди.

Бу фикрни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Ўзларининг хулқ-атвори билан касбдош ўртоқларини уятга қолдирган кишилар бошларини қуйи солиб ўтиришарди. Мажлис охирида улар энди ҳеч қачон бундай қилмаймиз, деб ваъда бердилар.

«Малика» бирлашмаси — илғор корхона. Унда бундай тартиб бузиш ҳоллари кам-дан-кам учрайди. Социалистик мусобақанинг кенг ошкоралиги, тартиб бузарлар теварагида чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилганлиги интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Энг муҳими эса бирлашмада хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, интизомни ҳар қандай тарзда бузиш ҳоллари жазосиз қолмайди.

Айтайлик, ишчилардан бири смена пайтида цех ташқарисига чиқиб вақтини зое ўтказса, биринчи гал бундай қилиш ишга кеч келиш билан баравар эканини тушунтиришади. Бундай ҳодиса такрорланган тақдирда жазо берилади.

Бироқ, бу ерда одамлар ишонтириш, намуна кўрсатиш усуллари билан ҳам тарбияланмоқда. Ҳар бир ёш ишчига, айниқса интизомга унчалик бўйсунгиси келмаганларга мураббийлар, илғорлар бириктириб қўйилмоқда. Ўша тикув-бичув цехининг ўзида ишлаб чиқариш илғорлари бўлган тикувчи-мотористлардан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, шаҳар советининг депутати Антонина Просина, Нафиса Қодирова, Қундуз Миноварова, бичувчи Евгения Назарова ва бошқа кўп кишилар ёшлар билан катта тарбиявий иш олиб бормоқдалар.

Қорхонанинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, илғор ишчилари ҳалол, фидокорона, юксак самарали меҳнат ҳамма учун норма, доимий қоида бўлиб қолиши учун бутун куч-ғайратни сарфламоқдалар.

И. АЛИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

### ПРОГУЛЧИЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Янгийўл районидаги 7-экспериментал ремонт-механика заводининг коллективи меҳнат интизомини бузишга йўл қўяётганларга қарши муросасизлик муҳитини вужудга келтирган. Прогулчилар, ишёқмаслар, тартиббузарлар мунтазам равишда коллектив ўртасида муҳокама этилади, уларга тегишли маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Ўтган ойда К-700 тракторининг ҳайдовчиси Р. Хуснуллин ишда маст ҳолда бўлган эди. Корхона маъмурияти уни уч ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказди.

Кейинги пайтларда ишга кечикиб келган слесарь Н. Назаралиев, электрик К. Отабоев, ишчи Р. Козимбоевларга ҳайфсан эълон қилинди. Улар яна прогул қилсалар, мукофот ва бошқа имтиёзлардан маҳрум этилишлари, янада қаттиқроқ жазо олишлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Тартиббузарларга қарши қатъий чоралар кўрилаётганлиги ўз натижасини бермоқда. Жумладан, кейинги икки кун ичида заводда ишга кеч қолганлар бўлмади.

«Промгражданстрой»га қарашли 5-механизациялашган кўчма колонна маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари ҳам тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлаш чораларини кўраётирлар. Колоннада меҳнат интизомини бузиб, узрсиз ишга чиқмаганликлари учун автокран машинисти Р. Хайбуллаев ва бульдозер машинисти Д. Дорошколар ишдан бўшатилдилар.

Район корхоналари, хўжаликлари ва ташкилотларида меҳнат интизоми бузилишининг ҳар бир ҳоли кенг муҳокама этиляпти, прогулчилар, ишёқмаслар коллективга ошкора қилинмоқда. У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига қарашли вино заводига кираверишда «Прогулчиларни маълум қиламиз» деган ёзувга кўзингиз тушади. Унда, жумладан, завод ишчи-хизматчиларидан Г. Боймуротова, З. Даулбаева, Р. Йўлдошева, Ф. Сон сменага уч-тўрт минутга кеч қолганликлари кўрсатилган.

Меҳнат интизомини бузишга йўл қўяётганларга қарши қатъий кураш олиб борилаётганлиги туфайли кейинги кунларда район корхоналари, хўжаликларида ишлаб чиқаришда янада юқорироқ натижаларга эришилмоқда.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

### Директорни кўрган борми?

АПРЕЛНИНГ дастлабки кунларида халқ назоратчилари Бекобод районидаги ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган Колпакова номли совхозга йўл олдилар. Лекин улар бу ердаги аҳволни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Кўзларига ишонгилари келмасди. Далаларда ҳеч ким кўринмайди. Техникалар бекор турипти. Қаерга келиб қолдик ўзи, наҳотки шундай бўлса?! Нима, совхозда ҳамма ишлар жойидами, баҳорга тайёргарлик ишлари тугаганми, ариқ-зовурлар тозаланиб тахт қилиб қўйилганми? Ахир экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун шу кунларда замин яратиш керакку?! Далаларни айланиб, карталарни бирма-бир кўздан кечирган назоратчилар бу саволга жавоб излашарди.

Афсуски, хўжаликда кўкламги экишга тайёргарликка оид кўпгина белгиланган тадбирлар қолиб кетмоқда эди. Шунга қарамай далаларда ҳеч ким кўринмасди. Тракторларнинг овози эшитилмайди.

Назоратчилар бунинг сабабини директордан сўраб биламиз-да, деб идорага йўл олишди. Бироқ, хўжалик раҳбари Носир Тулибоевни бугун бу ерга келмаганлигини айтишди.

— У ҳолда қаердан топамиз у кишини?

— Директорни кўрганлар борми?

Назоратчилар бу савол билан идора ходимларига, қишлоқда юрган айрим одамларга мурожаат қилишди. Лекин ҳеч кимдан ижобий жавоб олинмади. Кимдан сўраманг, билмаймиз, кўрмадик, у киши бизга ҳисоб бермайдилар, деб елка қисишарди.

Ана энди ишдаги бош-бошдоқлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик сабаби очиқ-ойдин ва равшан бўлган эди: Тўғри-да, одамлар директордан андоза олаётганликларига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Шунинг учун ҳам идора ходимлари-ю, бўлим бошлиқлари, бригадирлар ишга хоҳлаган вақтда келиб, хоҳлаган вақтда кетар эдилар. Директор буни билса ҳам билиб-билмасликка олардди. Ўзи интизомсиз, тили қисиқ-да! Вақтида келиб иш жойида ўтирмагандан кейин қандай қилиб бошқалардан тартиб-қоидага риоя қилишни талаб этади?!

Директорни қидира-қидира ҳафсаласи пир бўлган назоратчилар фермага йўл олишди. Зора ўша ердан топсак. Ахир билишимизча, совхознинг фермаси катта, 700 бош қорамоли бор. Қишлов анча оғир ўтди. Ем-хашак танқислиги сезилди, сут планлари бажарилмай қоляпти. Энди бундан буёнги ишларни юриштириш керак! Бунинг учун фермадаги аҳволдан кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур.

Афсуски, бу ерда ҳам директор йўқ эди. Бунинг устига на мутахассислар, на ферма мудири бор. Сут соғувчилар ҳам кўринмайди. Ҳамма ишлар молбоқарлар ва ёш болаларнинг ихтиёрига топшириб қўйилган.

Молхоналарнинг ичини билиб бўлмайди. Чиқиндилар тўпланиб қолган. Сигирлар лой, балчиқда юрибди. Охурлар бўш. Очликдан маърашади жониворлар. Эти бориб устихонига ёпишиб кетган. Шундай бўлгач, қандай қилиб бу сигирлардан мўлжалдаги сутни соғиб олиш мумкин?!

...Район партия комитетининг бюро йиғилиши совхоз раҳбарларининг фаолиятига принципиал баҳо берди. Директор Н. Тулибоевга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Совхоз партия комитетининг секретари Н. Каримовга ҳам қаттиқ ҳайфсан берилди. Бош зоотехник А. Х. Комилов ҳам тегишли жазосини олди. Унинг ишда қолиш-қолмаслиги совхоз коммунистларининг очиқ партия йиғилишида ҳал этилиши таклиф этилди.

Ўйлаймизки, бу бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари учун ҳам катта сабоқ бўлади. Зотан ҳамма нарса интизомдан бошланади. Ҳар бир ишнинг омади — ўз вақтида, дейдилар. Зиммамизда катта ва масъулиятли вазифалар турипти. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун, энг аввало, ҳар бир коллективда қатъий тартиб ўрнатиш, юксак талабчанлик вазиятини вужудга келтириш зарур. Бу эса энг аввало ўша коллектив раҳбарининг тадбиркорлиги, маҳоратига, қолаверса ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак!..

Н. РИХСИЕВ.

